**XALQ DEPUTATLARI NAVOIY VILOYATI**
**NAVBAHOR TUMAN KENGASHINING**
# Q A R O R I

2022 - yil 31 - dekabr VI-54-153-5-73-K/22 Navbahor tuman hokimligi

## Навбаҳор туманининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида 2022 йил 22 декабр куни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида 2022 йил 27 декабр куни қабул қилинган “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун билан 2023 йил бюджет параметрлари тасдиқланганлигини, хамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 29 декабрдаги 01/20-32/1023-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.
2. Навбаҳор туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари 58,5 млрд.сўм, харажатлари 167,3 млрд.сўмга тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
3. Навбаҳор туманининг 2023 йил учун туман бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.
4. Туманининг туман бюджетидан 2023 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
5. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича

туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини урнатилган тартибда туман Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2023 йил учун туман бюджет даромадлари ва харажатлари прогнозлари 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.
7. Вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Тумани бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 1578,5 млн.сўм миқдорида белгилансин. 2023 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин. Туман бюджетини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджетларининг захира жамғармалар миқдорларига аниқлаштириш киритилмайди.

9. Туман бюджети шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 6-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича қўлланиладиган ставкалар 7-иловага, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича қўлланиладиган ставкалар 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига кейинги солиқ даври учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари учун белгиланган солиқ ставкаларига тегишлича камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни ҳудудларда жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида киритилишини таъминлаш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2023 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2023 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) туман бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи, тамаки ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ.

в) вилоят бюджети ҳамда туман бюджетлари ўртасида тақсимланади:

Қонунга мувофиқ вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 63 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумлар (жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) вилоят бюджети ҳамда туман бюджети ўртасида тақсимлаш ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиғидан тушумлар вилоят бюджети ҳамда туман бюджети ўртасида тақсимлаш.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (М.Жумабоев), Молия бўлими мудири в.в.б (С.Ахтамов), Навбаҳор туман давлат солиқ инспекцияси (Ф.Эргашов) туман ҳокимликлари ва масъул бўлимлар ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджет прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали

бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

13. Навбаҳор туман давлат солиқ инспекцияси (Ф.Эргашов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлилилар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини оширишвазифаси юклатилсин.

14. Навбаҳор туман давлат солиқ инспекцияси, Навбаҳор туман Кадастр агентлиги бўлими 2023 йилдан бошлаб юридик шаслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, туманда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

15. Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга ва натижалари бўйича тавсиялар беришга мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

16. Навбаҳор туман ҳокимликлари:

Туман бюджети жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, туман халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 25 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

17. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (М.Жумабоев), халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти, туман ҳокимлики, тегишли ташкилот бошлиқлари:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

18. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

19. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

20. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (З.Қудратов) зиммасига юклатилсин.

**Kengash raisi** **А.Ўроқов**

Xalq deputatlari Navbahor
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-153-5-73-K/22-son
qaroriga
1-ilova

| **Навбаҳор тумани маҳаллий бюджетининг даромадларининг** | | |
|---|---|---|
| **2023 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари** | | |
| | | минг сўмда |
| **Т/Р** | **Даромад турлари** | **Жами** |
| | **ЖАМИ** | **58 461 949** |
| 1 | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | 0 |
| 2 | Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар | 0 |
| 3 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 13 315 200 |
| 4 | Қўшилган қиймат солиғи | 0 |
| 5 | Акциз солиғи, жами | 0 |
| | *шу жумладан:* | 0 |
| | *- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ* | 0 |
| 6 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 2 143 000 |
| 7 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 3 924 000 |
| 8 | Юридик шахслар ер солиғи | 6 857 000 |
| 9 | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | 10 855 000 |
| 10 | Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда | 977 000 |
| 11 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 1 132 000 |
| 12 | Давлат божи | 0 |
| 13 | Жарималар | 0 |
| 14 | Ижара тўлови | 0 |
| 15 | Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад | 0 |
| 16 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД) | 141 000 |
| 17 | Йиғимлар | 0 |
| | **Тақсимланувчи даромадлар** | **19 117 749** |
| | *шу жумладан:* | |
| 1 | Алкогол ва тамакига акциз солиғи, Мобил алока акциз солиғи | 19 117 749 |

Xalq deputatlari Navbahor
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-153-5-73-K/22-son
qaroriga
2-ilova

**Навбахор туманининг 2023 йил ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари**

| № | Кўрсаткичлар номи | Навбаҳор туман |
|---|---|---|
| | **Харажатлар - жами** | **167 321 098,0** |
| **1.** | **Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами** | **117 713 727,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| **1.1** | **Маориф** | **14 810 843,0** |
| | - мактабгача таълим | 5 330 782,0 |
| | - умумий таълим | 9 480 061,0 |
| | - кадрлар тайёрлаш | |
| 1.2 | Соғлиқни сақлаш жами | **66 489 098,0** |
| | соғлиқни сақлаш | 66 489 098,0 |
| | тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар | |
| **1.3** | **Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари** | **11 973 440,0** |
| | - маданият ва оммавий ахборот воситалари | 2 140 906,0 |
| | - спорт | 9 832 534,0 |
| 1.4 | Фан | |
| 1.5 | Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар | 24 355 849,0 |
| 1.7 | Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга "дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети" | 36 800,0 |
| | Чернобиль фалокатини бартараф этишда қатнашганларни ижтимоий ҳимоялаш | |
| 1.8 | Фуқароларга етказилган зарарни коплаш | |
| 1.9 | 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озик-овкат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари | |
| 1.10 | Шаҳар пассажир транспортида баъзи категориядаги кишиларнинг бепул юришларини бюджетдан қоплаш | |
| 1.11 | Ижтимоий кўникма марказлари | 47 697,0 |
| **2.** | **Иқтисодиётга харажатлар** | **19 514 446,0** |

| | | |
|---|---|---|
| | *шу жумладан:* | |
| 2.0 | Ички хўжалик автомобиль йўлларини таъмирлаш харажатлари | 3 000 000,0 |
| 2.1 | Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари | 581 668,0 |
| 2.2 | Ўсимликлар ҳимояси ва карантини ҳамда чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизматлари харажатлари | |
| 2.3 | Ободонлаштириш | 10 774 535,0 |
| 2.4 | Кўп квартирали уй-жойларнинг туташ ҳудудларни ободонлаштириш харажатлари | |
| 2.5 | Иссиқлик таъминоти тизими ташкилотлари харажатлари | |
| 2.6 | Махсус эксплуатация-монтаж харажатлари | |
| 2.7 | Кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш | |
| 2.8 | Иссиқлик таъминот корхоналарига субсидиялар | |
| 2.9 | Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари | 1 752 329,0 |
| 2.10 | Ўрмон хўжалиги ташкилотлари | |
| 2.11 | Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари | |
| 2.12 | Пиллачилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари | |
| 2.13 | Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг худудий бўлимларини сақлаш харажатлари | |
| 2.14 | Ветеринария қўмитаси | 2 497 452,0 |
| 2.15 | Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш | |
| 2.16 | Автобус йўналишларининг йиллик субсидиялаш харажатлари | |
| 2.17 | Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун | 908 462,0 |
| **3.** | **Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар** | **0,0** |
| 3.1 | Туман ва шаҳар марказларини ободонлаштириш | |
| 3.1 | Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар | |
| 3.2 | Мактабгача таълим ташкилотларини реконструкция қилиш, мукаммал аъмирлаш ва жиҳозлаш | |
| 3.3 | Умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш | |
| 3.4 | Соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш | |
| 3.5 | Мелиорация объектлари | |
| 2.14 | Ичимлик суви ва канализация | |

| | | |
|---|---|---|
| **4.** | **Давлат бошқарув органларини сақлаш** | **17 491 882,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| 4.1 | Давлат бошқарув идоралари | 17 491 882,0 |
| **5.** | **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш** | **3 130 037,0** |
| **6.** | **Заҳира жамғармаси** | **1 578 501,0** |
| **7.** | **Фуқаролар ташаббуси жамғармаси** | **7 892 505,0** |
| **8.** | **Бошқа харажатлар** | **0,0** |
| | *шу жумладан:* | |
| 8.1 | Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар | |
| 8.2 | Адвокатлар хизмати | |
| 8.3 | Қабуллар уйини сақлаш харажатлари | |
| 8.4 | Президент мактабларини қуриш учун жалб этилган қарз маблағларини қайтариш харажатлари | |
| | | |
| **I** | **ЗАХИРА фоизи** | **1,000%** |
| **II** | **ОПЕН БЮДЖЕТ фоизи** | **5,000%** |

Xalq deputatlari Navbahor
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-153-5-73-K/22-son
qaroriga
3-ilova

**Навбаҳор туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари**

***Фоизда***

| Т/Р | Шаҳар ва туманлар номи | Фойда солиғи | Айлан-мадан солиқ | Жисмо-ний шахс-лардан олина-диган даромад солиғи | Сув ресурс-ларидан фойдалан-ганлик учун солиқ | Қурилиш материал-лари бўйича ер қаъридан фойдалан-ганлик учун солиқ | Ижара тўловлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Навбаҳор тумани | 0 | 0 | 30 | 100 | 100 | 0 |

Xalq deputatlari Navbahor
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-153-5-73-K/22-son
qaroriga
4-ilova

**2023 йил учун туманнинг бюджет даромадлари ва харажатлари прогнозлари**

**Мингсўмда**

| **Ҳудудномн** | **Даромад** | **Харажат** |
|---|---|---|
| **ЖАМИ** | **58 461 949** | **167 321 098** |
| Навбаҳор тумани | **58 461 949** | **167 321 098** |

Xalq deputatlari Navbahor
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-153-5-73-K/22-son
qaroriga
5-ilova

**Вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига 2023 йилда ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари**

**Минг сўмда**

| **Шаҳар ва туманлар** | **Тартибга солувчи трансферт миқдори** |
|---|---|
| **ЖАМИ** | **108 859 149,0** |
| *шундан* | |
| Навбаҳор тумани | **108 859 149,0** |

Xalq deputatlari Navbahor
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-153-5-73-K/22-son
qaroriga
6-ilova

**Туман маҳаллий бюджетининг шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори**

**Минг сўмда**

| **Т/р** | **Ҳудудномн** | **Миқдори** |
|---|---|---|
| | **ЖАМИ** | **637 590,0** |
| | *шундан* | |
| 1. | Навбаҳор тумани | **637 590,0** |

Xalq deputatlari Navbahor
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-153-5-73-K/22-son
qaroriga
7-ilova

**Жисмоний шахслар бўйича 2023 йил қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи ставкалари**

*сўмда*

| Т/Р | Вилоят ҳудудлари | Туман (шаҳар) ҳудудлари *(МФЙ, ОФЙ, даҳалар, кўчалар)* | 1 кв.метр учун базавий солиқ ставкаси | Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан қўлланилган коэффициент ***(0,7-3,0)*** | | Даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 1кв.метр учун ер солиғи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | камайтирувчи | оширувчи | |
| ***1*** | ***2*** | ***7*** | ***8*** | ***9*** | ***10*** | ***11*** |
| 1 | **Навбахор туман** | Арабсарой МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2 | | Арабхона МСГ | 371,8 | 0,7 | 1,0 | 260,3 |
| 3 | | Армижон МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 4 | | Бешрабод МСГ | 371,8 | 1,0 | 1,0 | 371,8 |
| 5 | | Буркут МСГ | 371,8 | 0,7 | 1,0 | 260,3 |
| 6 | | Вомитан МСГ | 371,8 | 0,7 | 1,0 | 260,3 |
| 7 | | Гужбогтепа МСГ | 371,8 | 0,7 | 1,0 | 260,3 |
| 8 | | Гулистон МСГ | 371,8 | 0,7 | 1,0 | 260,3 |
| 9 | | Дул-дул МСГ | 371,8 | 0,7 | 1,0 | 260,3 |
| 10 | | Ёш куч МСГ | 371,8 | 0,7 | 1,0 | 260,3 |
| 11 | | Қалқон ота МСГ | 371,8 | 0,7 | 1,0 | 260,3 |
| 12 | | Карвон МСГ | 371,8 | 0,7 | 1,0 | 260,3 |
| 13 | | Келачи МСГ | 371,8 | 1,0 | 1,0 | 371,8 |
| 14 | | Кескантерак МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 15 | | Кизилой МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 16 | | Кизилработ МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 17 | | Кизилтепа МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 18 | | Коражон МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 19 | | Коровултепа МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 20 | | Кухрон МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 21 | | Мехнат МСГ | 371,8 | 0,8 | 0,0 | 282,2 |
| 22 | | Мирзо Улугбек МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 23 | | Навбахор МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 24 | | Навкар МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 25 | | Ок олтин МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 26 | | Пахтакор МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 27 | | Сарбозор МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 28 | | Сарой МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 29 | | Совунгар МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 30 | | Тошработ МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 31 | | Узбекистон МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 32 | | Учтут МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 33 | | Халоваттепа МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 34 | | Хашман МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 35 | | Чорвокгузар МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 36 | | Юқори Бешрабод МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 37 | | Ялтиработ МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 38 | | Янги йўл МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 39 | | Янги куч МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 40 | | Янги хаёт МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |
| 41 | | Янгиобод МСГ | 371,8 | 0,7 | 0,0 | 260,3 |

Xalq deputatlari Navbahor
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-153-5-73-K/22-son
qaroriga
8-ilova

**2023 йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахсларга ҳисобланиши кутилаётган ер солиғи ставкаси**
**ҲИСОБ-КИТОБИ**

*сўмда*

| Т/Р | Вилоят ҳудудлари | Туман (шаҳар) ҳудудлари *(МФЙ, ОФЙ, даҳалар, кўчалар)* | 1га учун базавий солиқ ставкаси | Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан қўлланилган коэффициент ***(0,7-3,0)*** | | Даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 1га учун ер солиғи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | камайтирувчи | оширувчи | |
| ***1*** | ***2*** | ***7*** | ***8*** | ***9*** | ***10*** | ***11*** |
| 1 | | Арабсарой МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |

**Навбахор туман**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2 | | Арабхона МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 3 | | Армижон МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 4 | | Бешрабод МСГ | 38 400 000 | 1,0 | 0,0 | 38 400 000,0 |
| 5 | | Буркут МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 6 | | Вомитан МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 7 | | Гужбогтепа МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 8 | | Гулистон МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 9 | | Дул-дул МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 10 | | Ёш куч МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 11 | | Қалқон ота МСГ | 38 400 000 | 0,9 | 0,0 | 34 560 000,0 |
| 12 | | Карвон МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 13 | | Келачи МСГ | 38 400 000 | 1,0 | 0,0 | 38 400 000,0 |
| 14 | | Кескантерак МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 15 | | Кизилой МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 16 | | Кизилработ МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 17 | | Кизилтепа МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 18 | | Коражон МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 19 | | Коровултепа МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 20 | | Кухрон МСГ | 38 400 000 | 0,9 | 0,0 | 34 560 000,0 |
| 21 | | Мехнат МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 22 | | Мирзо Улугбек МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 23 | | Навбахор МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 24 | | Навкар МСГ | 38 400 000 | 0,8 | 0,0 | 30 720 000,0 |
| 25 | | Ок олтин МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 26 | | Пахтакор МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 27 | | Сарбозор МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 28 | | Сарой МСГ | 38 400 000 | 0,8 | 0,0 | 30 720 000,0 |
| 29 | | Совунгар МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 30 | | Тошработ МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 31 | | Узбекистон МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 32 | | Учтут МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 33 | | Халоваттепа МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 34 | | Хашман МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 35 | | Чорвокгузар МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 36 | | Юқори Бешрабод МСГ | 38 400 000 | 0,8 | 0,0 | 30 720 000,0 |
| 37 | | Ялтиработ МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 38 | | Янги йўл МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 39 | | Янги куч МСГ | 38 400 000 | 0,8 | 0,0 | 30 720 000,0 |
| 40 | | Янги хаёт МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |
| 41 | | Янгиобод МСГ | 38 400 000 | 0,7 | 0,0 | 26 880 000,0 |